



ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МУҲИМ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

*Эргашева Шахло Тургуновна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
инновацион ресурс маркази директори
и.ф.н., профессор*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a12

Аннотация. Ушбу мақолада пул маблағларини бухгалтерияда тўғри ҳисобга олиш ва уларни ҳаракатини шакллантириш, ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ ҳисоботларда ошкор этишининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш бўйича масалалар ёритилган.

Таянч сўзлар: пул, актив, ҳисоб, ҳисобот, операция фаолият, инвестицион фаолият, молиявий фаолият, пул оқимлари, сегментар молиявий ҳисобот.

ОТЧЕТ О ДВИЖЕНИИ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ КАК ВАЖНЫЙ ОБЪЕКТ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА

*Эргашева Шахло Тургуновна -
К.э.н., профессор, директор инновационного
ресурсного центра Ташкентского государственного
экономического университета*

Аннотация. В данной статье рассмотрены основные принципы учета и отчетности денежных средств предприятия. Актуальность определяется важностью грамотного и правильного ведения бухгалтерского учета денежных средств и составления отчетности по международным стандартам. Устойчивость предприятия на рынке достигается при достаточном и согласованном контроле учета денежных средств.

Ключевые слова: деньги, актив, счет, отчетность, операционная деятельность, инвестиционная деятельность, финансовая деятельность, денежные потоки, сегментная финансовая отчетность.

CASH FLOW STATEMENT AS AN IMPORTANT OBJECT OF ACCOUNTING

*Ergasheva Shakhlo Turgunovna -
Tashkent State University of Economics,
Director of the Innovation Resource Center, Ph.D., professor*

Annotation. This article discusses the basic principles of accounting and reporting of the company's funds. The relevance is determined by the importance of competent and correct accounting of funds and reporting according to international standards. The stability of the enterprise in the market is achieved with sufficient and coordinated control of cash accounting.

Keywords: money, asset, account, reporting, operating activities, investment activities, financial activities, cash flows, segment financial statements.

Кириш. Пул каби активларнинг аҳамияти ҳар қандай корхоналар учун беқиёсди. Нақд пул барча корхоналарнинг энг ликвид активлари ҳисобланади. Кўпчилик корхоналарнинг асосий муаммоси ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун маблағларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Нақд пул етишмаслигининг сабабларидан бири бу ундан мантқиқсиз фойдаланишдир. Шунинг учун, пул маблағларини бухгалтерия ҳисобида тўғри ҳисобга олиш, алоҳида аҳамиятга эга. Нақд пулни ҳисобга олиш ва текшириш корхонада бошқарувнинг асосий босқичларидан бири ҳисобланади. Пул маблағларини ҳаракатини ошкор этувчи бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларининг 14-сониди (БҲМС) ва халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларида эса 7-сониди (БҲХС) билан тартибга солинади.

Корхоналар пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини давр учун ҳаракатини пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш мобайнида бир қатор мулоҳазалар юритишга тўғри келиши мумкин.

Шунингдек, корхона келгуси йилда активлар ёки мажбуриятлар қийматини ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган ноаниқликни баҳолашнинг муҳим манбаларини молиявий ҳисоботга изоҳларда ёритиб бериши талаб этилади [1-6].

Амалиётда баъзан бирор модданинг пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари эканини аниқлаш бўйича қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Масалан, банк овердрафти. Унинг компания пул маблағларини бошқаришнинг бир қисми эканини аниқлаш бўйича мулоҳаза юритилиши лозим. Пул оқимлари операция, инвестицион ва молиявий фаолият тур-

лари билан таснифланади. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот пул оқимларини урта фаолиятга ажратган ҳолда акс эттиради. Унга кўра, пул оқимларини қайси фаолиятга тегишли экани юзасидан мулоҳаза юритиш мумкин. Натижада, компания ўзи танлаган фаолиятни акс эттириш тарзини изчил давом эттириши лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот муаммоларини ривожлантиришга В.П.Астахов, А.С.Бакаев, В.Р.Банк, П.С.Безруких, И.А.Бланк, М.А.Вахрушина, Л.Н.Герасимова, В.Г.Гетьман, Л.В.Горбатова, Е.Н.Домбровская, В.Н.Кузнецов, М.В.Мельник, В.Д.Новодворский, В.Ф.Палий, С.Н.Поленова, О.В.Рожнова, Л.В.Сотникова, Т.В.Терентьева, Л.И.Шарова, Н.П.Широкова, Н.П.Шишкина, Л.З.Шнейдман каби олимлар ўз ҳиссаларини кўшганлар. Шу билан бирга, пул оқимлари тўғрисидаги информацион ҳисоботнинг ўсишига тўсқинлик қиладиган салбий ҳодисалар ҳали етарлича ўрганилмаган ва кейинги ривожланишга эришиш имкониятларини ўрганишни талаб қилади [6-18].

Ҳисоботларда тақдим этилган маълумотларда пул оқими муҳим ўрин тутганлиги сабабли, кўплаб хорижий иқтисодчилар: Л.А.Бернстайн, Сидней Дж.Грей, Т.Р.Карлин, Б.Коласс, Белверд Е. Нидлз, Б.Райан, Ж.Ришар, Д.Стоун, Н.К.Сирополис, Д.Г.Сигел, К.Хитчинг, Э.Хелферт, Дж.К.Ван Хорн, Д.К.Шим каби муаллифларнинг асарлари асосан ҳисоботларни тузиш усуллари ва молиявий таҳлил методологиясига бағишланган бўлиб, ҳисоботларнинг ахборотлиги оширишнинг алоҳида усуллари ҳисобга олмаган ҳолда тадқиқ этилган.

Пул оқими масалаларини ривожлантиришга россиялик иқтисодчилар ҳам салмоқли ҳисса кўшганлар, жумладан, В.Г.Артеменко, В.И.Бариленко, Т.С.Беликова, М.В.Беллендир, Н.С.Белокурено, В.В.Бочаров, Е.В.Быкова, Л.В.Донцова, Е.Г.Жулина, Т.В.Захарова, Н.Н.Ильшева, С.В.Камысовская, М.Г.Кудинова, С.В.Левичева, Т.Я.Натепрова, Н.С.Пласкова, И.А.Слабинская, Е.М.Сорокина, Е.С.Стоянова, А.Д.Шеремет. Ушбу иқтисодчиларнинг ишларида пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилиш методологияси ва таҳлилий имкониятлари, аналитик функциялар нуқтаи назардан пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини шакллантиришда юзага келадиган муаммолар батафсил кўриб чиқилган, шу билан бирга назарий қоидаларни амалда қўллаш механизмлари бошқа нарсалар қатори, маълум бир фойдаланувчи гуруҳларига йўналтирилган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг информативлиги тўлиқ намоиш этилмаган ва кейинги тадқиқотларга муҳтожлиги бор.

Тарихдан маълумки, XV асрда Лука Пачоли бухгалтерия ҳисобини фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига қаратиш зарурлигини таъкидлади. Аниқлик бухгалтерия ҳисобининг асосий постулати сифатида кўриб чиқилиши ва бу фойдаланувчиларга тушунарли маълумотларни тақдим этиши кераклигини исботлади [12]. Бу баёнот ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Шундай қилиб, кўплаб иқтисодчилар, жумладан, В.Р.Астахов [7], А.С.Бакаев [8], М.А.Вахрушина [9], Т.В.Терентева [17], бугунги кунда компаниянинг халқаро молия бозорларига чиқиши ва инвестицияларни жалб қилиши учун энг муҳим шартлардан бири бу ўз молиявий маълумотларининг шаффофлигини таъминлашдир деб таъкидлайдилар, демак, бу бизнингча, пул оқими тўғрисидаги молиявий ҳолатни корхона ҳисоботсиз тасаввур қилиши мумкин эмас. Шунинг учун бу иш пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот муаммосига бағишланган.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисобот замонавий мақсадга эришишда корхонанинг ликвидлигини баҳолашга энг ишончли ахборт манбаси бу пул оқими тўғрисидаги ҳисоботдир. Бу фикрни бир қатор рус ва хорижий иқтисодчилар ҳам билдиришган, улар орасида А.С.Бакаев [8], М.А.Вахрушина [9], Б.Райан, Д.Стоун алоҳида илмий изланишлар олиб боришган.

Баъзи экспертларнинг фикрича, даромадли компания ҳар доим ликвид бўлади ва агар ижобий молиявий натижа молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда мунтазам равишда акс эттирилса, унда бундай компания доимо ликвид бўлади. Шу муносабат билан биз компаниянинг рентабеллиги ва ликвидлиги тушунчаларини кўриб чиқишни зарур деб ҳисоблаймиз, уларни ажратиб кўрсатиш керак.

А.К.Ибрагимов томонидан берилган таърифга кўра, “рентабеллик - бу инвестиция капиталини жалб қилиш ва ушлаб туриш учун етарли фойда олиш қобилиятидир. Ликвидлик қарзларни ўз вақтида тўлаш учун етарли тўлов воситаларининг мавжудлигини англатади” [6].

Ликвидлик деганда биз корхонанинг тўлов мажбуриятларини ўз ҳисобидан қоплаш қобилиятини тушунаемиз. Ушбу имкониятни фақат пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботдан тўлиқ баҳолаш мумкинлигини иқтисодчи олимлар. Л. А. Бернстайн], Д. Миддлтон [10], Б. Нидлз [19], В. Ф. Палий [11, с. 289-291], Н. К. Сирополис, А. Д. Шеремет [18] лар ҳам таъкидлашган.

А.Ш.Тошпўлатов юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг тўлов қобилияти тушунчасини шакллантирди: “тўлов қобилияти кенг маънода корхонанинг ўз кредиторларига тўлаш жадвалини бузилишларсиз бажариш қобилияти, тор маънода эса ҳисобва-

рақлар бўйича ҳисоб-китоблар учун етарли маблағлар ва уларнинг эквивалентларининг мавжудлиги тўланадиган талаб бевосита тўлов” [20]. Шунга кўра, томонлар тўлов қобилиятини турли йўллар билан талқин қилишлари мумкин. Шартномада белгиланган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишининг объектив хусусиятига қарамай, тўловчи субъектив омиллар туфайли тўлов санасини созлаши мумкин. Т.В.Теплованинг таъкидлашича, молиявий жиҳатдан соғлом компания “ўз мажбуриятларини ўз вақтида тўлашга, капитал ва активларни самарали бошқаришга ва янги капитални жалб қилишга қодир” ташкилотдир [17]. Муаллиф молиявий жиҳатдан соғлом компания параметрларини учта прогноз контекстида ўрганишни таклиф қилади:

ликвидлик проекцияси (нақд пул ишлаб чиқариш қобилияти ва мажбуриятларни тўлаш қобилияти учун жавобгардир);

фаолиятнинг жорий иқтисодий самарадорлигини проекциялаш (рентабеллик кўрсаткичлари асосида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади);

бизнеснинг ўсиши балансини проекциялаш (активларни баҳолашни ўз ичига олади ва бизнесни кенгайтириш имконияти ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатади).

Фақатгина учта прогноз учун қониқарли кўрсаткичларга эга бўлган ҳолда, ўрганилаётган корxonанинг барқарор молиявий ҳолати тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг моҳияти ва асослари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, статистик маълумотлардан фойдаланиш, иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Маълумки, 7-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” 1994 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларни қамраб оладиган молиявий ҳисоботлар учун амал қилади. 2007 йилда 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”га киритилган янги атамалар ва талаблар натижасида 7-сон БҲХСнинг номи “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”дан “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот”га ўзгартирилган.

7-сон БҲХС корxonанинг пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентлари деб аталадиган энг ликвидли активларнинг давр мобайнидаги ўзгаришларини тушунишга ёрдам беради.

Корxonанинг пул оқимлари тўғрисидаги маълумот молиявий ҳисобот фойдаланувчила-

рига корxonанинг пул маблағларини ҳосил қилиш имкониятини баҳолашга ёрдам беради. Фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорлар компаниянинг пул маблағларини ҳосил қилиш имкониятини ҳамда уларни ҳосил қилиш муддати ва аниқлигини баҳолашни талаб этади.

Шунингдек, бундай маълумот бир хил операция ва ҳодисаларнинг турлича ҳисобга олиш тартибларини қўллаш имконини бермаслиги боис, турли ташкилотларнинг операция фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларнинг қиёсланувчанлигини оширади. 7-сон БҲХСнинг мақсади корxonалар тайёрлайдиган пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш тамойиллари ва бошқа изоҳларни тайёрлаш тартибини белгилашдан иборат.

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар корxона пул маблағларини қандай ҳосил қилиши ва қандай фойдаланишини билишдан манфаатдордирлар. Корxonалар уларнинг даромад келтирувчи фаолият турлари фарқли бўлишига қарамай пул маблағларига, асосан, бир хил сабабларга кўра эҳтиёж сезади.

Пул маблағлари корxonаларга асосан қуйидаги мақсадлар учун зарур бўлади:

- дебиторлик операцияларини амалга ошириш;
 - кредиторлик мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга ошириш;
 - инвесторларга даромадларини тўлаш.
- Шунинг учун пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот барча корxonалар томонидан тақдим этилиши талаб этилади.

Молиявий ҳисоботларнинг 7-сон халқаро стандарти қайси масалаларга жавоб беради?

1. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботга оид асосий тушунчаларни изоҳлайди.

2. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишнинг умумий тамойиллари ва форматини тушунтиради.

3. Операцион фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини тақдим этиш усуллари тушунтиради.

4. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботга оид қуйидаги масалаларни тушунтиради:

- пул оқимларини нетто асосда тақдим этиш;
- чет эл валютасидаги пул оқимлари;
- фоизлар ва дивидендлар;
- фойда солиқлари;
- шўъба ва қарам ташкилотлар, қўшма корxonаларга инвестициялар;
- шўъба ташкилотлар ва бошқа бизнеслардаги эгалик улушларининг ўзгариши;

5. Пулсиз операциялар, молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг ўзгариши ва пул маблағлари ва пул эквивалентларининг компонентлари тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш талабларини тушунтиради.

Молиявий ҳисоботнинг 7-сон ҳалқаро стандартининг 10-бандига мувофиқ, “Пул маблағлари - нақд пул ва талаб қилиб олгунча депозитларни ўз ичига олади, шунингдек, “Пул маблағларининг эквивалентлари – бу қисқа муддатли, белгиланган суммадаги пул маблағларига осон айлантириладиган ва қийматининг ўзгариши жиҳатидан аҳамиятсиз даражадаги рискка эга бўлган юқори ликвидли инвестициялардир” - деб таъриф берилган. Демак, пул оқимлари – пул маблағлари ва улар эквивалентларининг кирими ва чиқимидир.

Ҳисобот даври учун пул оқимлари пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда операция, инвестиция ва молиявий фаолият бўйича таснифланган ҳолда тақдим этилади. 7-сон БҲҲСнинг 6-бандига мувофиқ:

“Операцион фаолият – ташкилотнинг асосий даромад келтирувчи фаолияти ҳамда инвестиция ва молиявий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият турлари.

Инвестиция фаолияти – узоқ муддатли активларнинг ва пул маблағлари эквивалентларига кирмайдиган бошқа инвестицияларнинг харид қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши.

Молиявий фаолият – ташкилот киритган капитали ва қарз маблағларининг миқдори ва таркибидаги ўзгаришларга олиб келадиган фаолият”.

Корхона пул оқимларини операция, инвестиция ва молиявий фаолияти бўйича тақдим этилиши фойдаланувчилар учун пул маблағлари яратилиши имкониятини баҳолаш учун батафсил маълумотни тақдим этади. Бу маълумотдан ушбу фаолиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Амалиётда, айни бир хил операция турли хил таснифланадиган пул оқимларини ўз ичига олиши мумкин. Масалан, қарз бўйича пул маблағларини тўлаш ўз ичига асосий сумма ва фоизларни олганда, фоиз қисми операция фаолият тарзида таснифланиши мумкин, асосий сумма қисми эса молиявий фаолият тарзида таснифланади. 1-чизмада пул оқимларини қайси фаолият турига кириш бўйича умумий кўрсатма берилган бўлиб, унга кўра операция фаолият бу компаниянинг асосий даромад келтирувчи фаолияти ҳамда инвестиция ва молиявий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият турларидир. 7-сон БҲҲСнинг 13-бандига кўра, “Операцион фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларининг суммаси - ташкилотнинг қарзларини тўлаш, операция имкониятларини сақлаб


қолиш, дивидендларни тўлаш ва молиялаштиришнинг ташқи манбаларига мурожаат қилмасдан, янги инвестициялар қилиш учун етарли бўлган пул оқимларини қай даражада ҳосил қилганлигини акс эттирувчи асосий кўрсаткичдир. Ўтган даврларда операция фаолиятдан келиб чиққан пул оқимларининг алоҳида таркибий қисмлари тўғрисидаги маълумот бошқа маълумотлар билан биргаликда операция фаолият бўйича келгуси пул оқимларини прогноз қилишда фойдалидир”. Операцион фаолият бўйича пул оқимлари биринчи навбатда компаниянинг асосий даромад келтирувчи фаолиятдан келиб чиқади. Бу ерда асосий даромад дейилганда компаниянинг тушуми назарда тутилмоқда. 15-сон МҲҲС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”га мувофиқ тушум бу компаниянинг одатдаги фаолиятдан юзага келадиган даромаддир. Шунинг учун операция фаолиятдан пул оқимлари одатда фойда ёки зарарни аниқлашда ҳисобга олинадиган операциялар ёки бошқа ҳодисалар натижаси ҳисобланади.

Операцион фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларининг суммаси компания фаолияти кредитларини тўлаш, айланма капитални сақлаб туриш, дивидендлар тўлаш ва ташқи манбаларга (қарз ёки капитал киритилиши) мурожаат қилмасдан янги инвестицияларни амалга ошириш учун етарли пул оқимларини яратганлигининг асосий кўрсаткичидир.

7-сон БҲҲСнинг 14-бандига мувофиқ операция фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларига қуйидаги мисоллар келтирилган:

- товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишдан пул маблағларининг келиб тушиши;
- роялти, хизмат ҳақлари, воситачилик ҳақлари ва бошқа тушум кўринишидаги пул маблағларининг келиб тушиши;
- етказиб берувчиларга товарлар ва хизматлар учун пул маблағлари тўлови;
- ходимларга ва ходимлар номидан пул маблағлари тўлови;
- молиявий ёки инвестиция фаолиятига аниқ тегишли бўлмаган фойда солиғи бўйича пул маблағлари тўлови ёки уларнинг қайтарилиши.

Инвестиция фаолияти бу узоқ муддатли активларнинг ва пул маблағлари эквивалентларига кирмайдиган бошқа инвестицияларнинг харид қилиниши ва ҳисобдан чиқарилишидир. 7-сон БҲҲСнинг 16-бандига мувофиқ, “Инвестиция фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини алоҳида ёритиш муҳим аҳамият касб этади, чунки бундай пул оқимлари келгуси даромад ва пул оқимларини ҳосил қилиш учун мўлжалланган ресурсларга қанча сарфлар амалга оширилганини кўрсатади.



1-чизма. Пул оқимлари фаолияти турлари

Фақат молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив тан олинисига олиб келадиган сарфларгина инвестиция фаолияти тарзида таснифланиши мумкин”.

Шарҳ: Баъзи ҳолатларда пул оқими операция фаолиятдан ёки инвестиция фаолиятдан эканини аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Масалан, крипто активларнинг харид қилиниши молиявий ҳолатда товар сифатида ёки номоддий актив сифатида тан олинисига мумкин. Натижада, унга сарфланган пул оқимини таснифлаш қийин бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда компания мулоҳаза юритиши лозим ва бундай мулоҳазани изчил қўллаши талаб этилади.

7-сон БҲХСнинг 16-бандига мувофиқ инвестиция фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларига қуйидаги мисоллар келтирилган:

- узоқ муддатли активларни харид қилиш учун амалга оширилган пул маблағлари тўлови ҳамда уларни сотишдан пул маблағлари келиб тушиши;
- бошқа компанияларнинг улушли ёки қарз инструментларини ва қўшма корхоналардаги улушларни харид қилиш учун амалга оширилган пул маблағлари тўлови ҳамда уларни сотишда пул маблағлари келиб тушиши;
- бошқа томонларга берилган аванс пул маблағлари ва қарзлар ҳамда уларнинг қайтарилиши (молиявий институтлар томонидан берилган аванс пул маблағлари ва қарзлар ва уларнинг қайтарилиши бундан мустасно).

Узоқ муддатли активлар деганда асосан асосий воситалар ва номоддий активлар назарда тутилади. Бундай активларни харид қилиш деганда нафақат сотиб олиш, балки компания

ўзи қурган, яратган пайтда амалга оширилган сарфларни ҳам назарда тутати.

Молиявий фаолият бу компанияга киритилган хусусий капитал ва қарз маблағларининг суммаси ва таркибидаги ўзгаришларга олиб келадиган фаолиятдир. 7-сон БҲХСнинг 17-бандига кўра, “Молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини алоҳида ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этади, чунки бу маълумот ташкилотни капитал билан таъминловчилар томонидан келгуси пул оқимларига бўлган талабларини прогноз қилиш учун фойдалидир”.

Молиявий фаолиятдан пул оқимлари умумий ҳолатда молиялаштиришнинг қарз ёки капитал манбаларидан пул маблағлари келиб тушиши ёки бундай қарз ва капитал инструментларни сўндириш билан боғлиқ пул маблағлари чиқимини англатади. 7-сон БҲХСнинг 17-бандига мувофиқ инвестиция фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларига қуйидаги мисоллар келтирилган:

- акциялар ёки бошқа улушли инструментларни муомалага чиқаришдан пул маблағлари келиб тушиши;
- компания акцияларини харид қилиш ёки муомаладан чиқариш учун мулкдорларга пул маблағлари тўлови;
- қарз мажбуриятларини чиқариш, қарзлар бериш, векселлар, облигациялар, гаров ва бошқа қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарз мажбуриятларини чиқаришдан пул маблағлари келиб тушиши;
- қарзлар бўйича қайтарилган пул маблағлари тўлови;
- ижарачи томонидан ижара бўйича сўндирилмаган мажбуриятни камайтириш учун

амалга оширилган пул маблағлари тўлови.

7-сон БҲХСнинг 48-бандига мувофиқ, “Ташкилот раҳбарият шарҳи билан биргаликда, ташкилотда мавжуд бўлган, аммо гуруҳ томонидан фойдаланиш имкони бўлмаган аҳамиятли миқдордаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари суммасини ёритиб бериши лозим”.

Шу билан бирга, компаниянинг молиявий ҳолати ва ликвидлигини тушуниш учун фойдаланувчиларга қўшимча маълумотлар берилиши ўринли бўлиши мумкин. Бундай маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- фойдаланиш бўйича чекловлар кўрсатилган ҳолда, келгуси операциян фаолиятда ва капитал сарфлар амалга оширилиши бўйича шартномавий мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин бўлган қарз маблағларининг ишлатилмаган суммаси;

- операциян имкониятларни сақлаб туриш учун зарур бўлган пул маблағларидан алоҳида, операциян имкониятларнинг ошишини кўрсатувчи пул оқимларининг жамланган суммаси;

- ҳар бир ҳисобот сегментининг операциян, инвестиция ва молиявий фаолиятлари натижасида келиб чиқадиган пул оқимлари суммаси (8-сон МҲХС “Операциян сегментлар” га қаранг).

Операциян имкониятларнинг ошишини кўрсатувчи пул оқимлари ва операциян имкониятларни сақлаб туриш учун зарур бўлган пул оқимларини алоҳида ёритиб бериш фойдаланувчиларга компания операциян имкониятла-

рини сақлаб туриш учун етарли ҳажмдаги маблағларни йўналтираётганлигини аниқлаш имконини беради.

Ўзининг операциян имкониятларини сақлаб туриш учун етарли маблағлар йўналтирмаётган компания жорий ликвидлигини сақлаб туриш ва мулкдорларига фойдани тақсимлаш мақсадида келгуси фойдалиликка путур етказаетган бўлиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, 7-сон БҲХС компаниянинг операциян, инвестиция ва молиявий фаолиятга тегишли пул оқимларини фаолият ва географик сегментлар бўйича ёритиб беришини тавсия қилади.

Пул оқимларини сегментлар бўйича ёритиб бериш фойдаланувчилар учун бутун бизнесга ва унинг компонентларига тегишли бўлган пул оқимларининг ўзаро алоқасини ҳамда сегмент пул оқимларининг мавжудлиги ва ўзгарувчанлиги ҳақида янада яхшироқ тушунчага эга бўлиш имконини беради.

Корхоналар пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг давр учун ҳаракатини пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш мобайнида бир қатор мулоҳазалар юритишига тўғри келиши мумкин.

Шунингдек, корхона келгуси йилда активлар ёки мажбуриятлар қийматини ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган ноаниқликни баҳолашнинг муҳим манбаларини молиявий ҳисоботга изоҳларда ёритиб бериши талаб этилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 24.04.2015 й. ПФ-4720.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 июндаги ПҚ-5161-сон “Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
5. Brown, P. (2011). “International Financial Reporting Standards: How real are the benefits?” *Accounting and Business Research*, 41(3), 269-285 p.
6. Ergasheva Sh.T., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. *Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma.* – Т.: “Iqtisodiyot” nashriyoti 2019. – 227 b.
7. Астахов, В. П. *Бухгалтерский (финансовый) учет : учебник для бакалавров / В. П. Астахов - 11-е изд., перераб. и доп. - М.: Юрайт, 2013. - 984 с.*
8. Бакаев, А. С. *Бухгалтерский учет: учебник / А. С. Бакаев, П. С. Безруких, Н. Д. Врублевский, В. Б. Ивашкевич и др. ; под ред. П. С. Безруких. - 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Бухгалтерский учет, 2004. - 736 с.*
9. Вахрушина, М. А. *Анализ финансовой отчетности: учебник / колл. авторов ; под ред. М. А. Вахрушиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2015. - 432 с. - 5-е изд., стереотип. - М. : Рус.яз. - Медиа ; Дрофа, 2010. - 1025 с.*
10. Миддлтон, Д. *Бухгалтерский учет и принятие финансовых решений / Д. Миддлтон ; пер. с англ. ; под ред. И. И. Елисеевой. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997. - 408 с.*
11. Палий, В. Ф. *Международные стандарты учета и финансовой отчетности: Учебник / В. Ф. Палий - 6-е изд., испр. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2013. - 506 с.*
12. Пачоли, Л. *Трактат о счетах и записях / Л. Пачоли ; под ред. Я. В. Соколова. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 368 с.*
13. Сотникова, Л.В. *Бухгалтерская отчетность организации / Л. В. Сотникова ; Ин-т проф. бухгалтеров и аудиторов России. - М.: ИПБР-БИНФА, 2005. - 360 с.*

14. Сотникова, Л.В. Бухгалтерская отчетность организации : пособие для повышения квалификации проф. бухгалтера / Л.В. Сотникова; под ред. А.С. Бакаева ; Ин-т проф. бухгалтеров и аудиторов России. - Н. Новгород: Нижполиграф, 2006. - 31 с.
15. Сотникова, Л.В. Бухгалтерская отчетность организации за 2007 год / Л. В. Сотникова ; под ред. А. С. Бакаева ; Ин-т проф. бухгалтеров и аудиторов России. М.: Питер, 2008. - 751 с.
16. Стоун, Д. Бухгалтерский учет и финансовый анализ: Подготовительный курс / Д. Стоун, К. Хитчинг = Derek Stone and Claude Hitching ; английское издание. - СПб.: Литера плюс, 1993. - 302 с.
17. Терентьева, Т. В. Теория бухгалтерского учета: учеб. пособие / Т. В. Терентьева.- М.: Вузовский учебник, 2008. - 208 с.
18. Шеремет, А. Д. Теория экономического анализа: учебник / А. Д. Шеремет - 3-е изд., доп. - М.: ИНФРА-М, 2011. - 352 с.
19. Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуэлл. Принципы бухгалтерского учета. - М.: Финансы и статистика, 2004. — 496 с.
20. А.Ш.Тошпўлатов. Бухгалтерия ҳисобига кириш: ўқув қўлланма / Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2022. - 208 с.
21. <http://www.lex.uz/> - national database of legislation Uzbekistan (LexUz)
<https://finacademy.net/materials/standartu-msfo/msfo-ias-7-otchet-o-dvizhenii-denezhnykh-sredstv>
<http://finotchet.ru/articles/87/>



**XORIJY TAJRIBALAR ASOSIDA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AKSIYADORLIK JAMIYATLARI MOLIVAVIY TA'MINOTINI
BOSHQARISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH ISTIQBOLLARI**

Abdubodiyev Muxammad Sharofitdinovich -
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti,
doktoranti

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a13

Annotatsiya. Maqola orqali dunyodagi ba'zi yirik aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy holati chuqur tahlil qilinib, to'plangan ma'lumotlar asosida mamlakatimizdagi aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy ta'minotini yaxshilash usullari va ulardan unumli foydalanish yo'llari haqida ba'zi taklif va tafsilyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: aksiyadorlik jamiyati, korxonaga ustav kapitali, kapital samaradorligi, o'z kapitali, qarz mablag'lari, moliyaviy natija, aktivlar, passivlar, majburiyatlar.

**ПЕРСПЕКТИВЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ И УПРАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВЫМ
ОБЕСПЕЧЕНИЕМ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
НА ОСНОВЕ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА**

Абдубодиев Мухаммад Шарофитдинович -
Докторант Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В статье глубоко проанализировано финансовое положение некоторых крупных акционерных обществ мира, и на основе собранных данных разработаны некоторые предложения и разъяснения о методах улучшения финансового обеспечения акционерных обществ в нашей стране. и пути их эффективного использования.

Ключевые слова: акционерное общество, уставный капитал предприятия, эффективность использования капитала, собственный капитал, заемные средства, финансовый результат, активы, пассивы, обязательства.

**PROSPECTS FOR IMPROVING THE EFFICIENCY AND MANAGEMENT OF THE
FINANCIAL SUPPLY OF JOINT STOCK COMPANIES OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN BASED ON FOREIGN EXPERIENCES**

Abdubokiev Mukhammad Sharofitdinovich -
Doctoral Student of the
Tashkent State University of Economics,

Abstract. The article provides some information about the financial situation of some large joint-stock companies in the world was deeply analyzed, and based on the collected data, some suggestions and explanations were developed about the methods of improving the financial support of joint-stock companies in our country and ways of their effective use.

Keywords: joint-stock company, authorized capital of the enterprise, capital efficiency, equity capital, debt funds, financial result, assets, liabilities, obligations.